Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 21 ноябрь, чоршанба • №92 (11.377) • Эркин нархда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 ноябрь куни Оқсаройда АҚШ сенаторлари Карл Левин ва Жон Уорнер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, АҚШ Конгрессининг сўнгги вақтлардаги фаолиятига юқори баҳо берди.

– 11 сентябрь фожиасидан кейин Сенатда ва умуман Конгрессда партиялараро баҳсларга чек қўйилиб, бир овоздан мамлакат Президентини қўллаб-қувватлашга қарор қилингани, конгрессменлар хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни қонуний ҳужжатлар билан таъминлашга фаол киришиб кетгани эътиборга моликдир, – деди Ислом Каримов. – Ана шу ватанпарварлик туфайли 25 сентябрдаёқ Конгресс "Терроризмга қарши кураш тўғрисида" қонун қабул қилди.

Маълумки, Сенат 12 сентябрь куни террорни таг-томири билан йўқотиш ишига барча воситаларни жалб этишга қаратилган резолюция қабул қилган эди. Кейинроқ Конгресс Оқ уй маъмуриятининг бу мақсад учун 40 миллиард доллар ажратиш ҳақидаги қарорини маъқуллади.

Демократ Карл Левин Сенатнинг Қуролли кучлар бўйича қўмитасига раислик қилади. Жон Уорнер ҳам мудофаа сиёсатига оид қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш, ҳарбий бюджетни кўриб чиқиш, мудофаа вазирлигидаги юқори лавозимларга номзодларни тасдиқлаш каби ғоят муҳим ишлар билан шуғулланувчи ушбу қўмитанинг Республикачилар партияси томонидан сайланган аъзоси. Уларнинг ҳар бири 23 йиллик сенаторлик тажрибасига эга бўлиб, АҚШдаги обрўли сиёсий арбоблардан ҳисобланади.

Оқсаройдаги учрашувда икки мамлакат ўтасида тобора ривожланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазият, минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

*(ЎзА).*

## ИЛҒОРЛАРНИНГ ИЛҒОРЛАРИ, МУКОФОТ МУБОРАК!



*2001 йил вилоятимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун муваффақиятли келди. Айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликда ҳар қачонгидан ҳам юксак натижаларга эришилди. Илгари хабар қилганимиздек, ана шу меҳнат ютуқларига бағишланган «Ҳосил байрами»да қишлоқ хўжалиги илғорлари ҳамда уларга сидқидилдан ёрдам берган ҳашарчилар шаънига олқиш ва миннатдорчилик сўзлари янгради.*

*Вилоят тарихида биринчи марта бу йилги мавсум якуни бўйича пахтачилик, ғаллачик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик, пиллачилик ҳамда ободонлаштириш соҳаларининг 20дан зиёд энг яхши туман, қишлоқ, маҳалла, хўжалик, фермер, бош пудратчи, пудратчи, механик-ҳайдовчи, комбайнчи, чевар теримчи, ҳашарчиси аниқланиб, уларнинг номлари улуғланди, шарафланди ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.*

*Илғорларнинг илғорлари минглаб меҳнаткашлар даврасида бундай тарзда шарафланганлиги, ҳаммада катта қизиқиш уйғотди ва зўр таассурот қолдирди.*

***Газетанинг иккинчи саҳифасида мукофотланганлардан бир гуруҳининг дил сўзларини ўқийсиз.***

## АЗАЛИЙ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ДОИМО ТИЛ ТОПИШАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16-17 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди

Ташрифдан кўзланган асосий мақсад ўзаро муносабатларга замонавий тус бериш, алоқалар шаклу шамоили ва мазмунини давр талабларига, халқаро муносабатлар мезонларига уйғунлаштириш эди. Имзоланган ҳужжатлар шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий якуни ва ҳуқуқий тасдиғи бўлди. Ўзини мустақил ҳисоблаган ҳар бир давлат халқаро муносабатлар тизимига кирар экан, аввало, ўз чегараларини аниқ белгилаб олиши, айни пайтда бошқа давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиши керак.

Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартнома икки мустақил мамлакатнинг ўзаро муносабатларини замонавий тарзда ривожлантиришга янада кенг йўл очди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, бу билан чегаралар ёпилиб қолмайди. Фақат фуқаролар, товарлар ва хизматларнинг мамлакатдан мамлакатга ўтиши муайян қонун-қоидаларга риоя қилинган равишда амалга ошади. Бу ҳужжат божхона, чегара, солиқ хизматлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришда ҳам асос бўлади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон-Қозоғистон чегарасининг узунлиги 2159 километр. 1999 йили икки мамлакат президентлари Тошкентда учрашиб, делимитацияга оид масалалар ҳам ўз аксини топган Қўшма баёнот қабул қилганидан кейин бу соҳада кўп иш қилинди – чегаранинг 96 фоизи белгилаб чиқилди. Қолган қисми ҳам келишув асосида делимитация қилинмоқда. Афсуски, ҳозир мамлакатлараро муносабатларга раҳна солишга интилувчи бузғунчи кучлар ҳам йўқ эмас. Бундай ғаламислар муайян миллат шаънига, ғурурига тегиб, икки мамлакат ўртасида чегара муаммолари борлиги ҳақида турли уйдирмалар тарқатади. Лекин улар бир нарсани чуқур англамайди, яъни азалдан яхши қўшничилик тамойилларига таяниб, иноқ яшаб келаётган икки халқ барибир тил топишади, ҳеч қачон фитналарга учмайди. Остона шаҳрида чегарага оид барча масалалар ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топди. Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари ривожланиб бораётганини кўра олмайдиган кучларга қаттиқ зарба берилди. Ислом Каримов мазкур шартнома кўпчиликка намуна бўлишини айтди. Зеро, ҳозирги муносабатларимиз, биргаликда амалга ошираётган ишларимиз узоқ муддатли стратегик манфаатларимизга мосдир.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги икки ва кўп томонлама асосда қабул қилинган кўплаб ҳужжатлардан иборат мустаҳкам қонуний асосга эга. Марказий Осиё давлатлари, МДҲ ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзолари ўртасида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида муайян келишувларга эришилган. Лекин чегараларда тартиб ўрнатилмаса, ана шу пойдевор тугал бўлмай қолар эди. Қолаверса, 11 сентябрдан кейин дунёда юз бераётган ўзгаришлар, Афғонистондаги воқеалар ўз-ўзидан хавфсизлик масаласига янгича ёндашув талаб қилади. Мазкур шартноманинг долзарблиги ҳам шунда.

Модомики, гап Афғонистонга тақалган экан, икки мамлакат Президентларининг Остонадаги матбуот анжуманида берган баёнотларига тўхталиб ўтсак. Мазкур мамлакатдаги воқеаларга муносабат, аксилтеррор операцияси борасидаги нуқтаи назарлар бир хил. Хавф, террорга қарши кураш йўллари бир хил баҳоланади. Илгари ҳам таъкидланган – бу Афғонистонга, афғон халқига, мусулмонларга қарши уруш эмас. Ислом Каримов айтганидек, халқаро коалиция террор машинасини парчаламоқда. "Толибон" яксон қилингандан кейинги тадбирлар эса фақат БМТ раҳнамолигида амалга оширилиши керак.

Остона учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга оид масалалар ҳам муҳокама қилинди. Президентлар ўзаро савдо ҳажми қониқарсиз эканлигини, икки мамлакат бир-бирининг имкониятларидан кўпроқ фойдаланиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, музокараларда минтақамизнинг сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик, ўзаро ахборот алмашишни кучайтириш каби масалалар кўриб чиқилди.

Музокаралар бошидаёқ Қозоғистон раҳбари минтақада шароит мураккаб бўлишига қарамай ўз таклифини қабул қилиб, Остонага келгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирган, ташрифи хайрли, қадами қутлуғ бўлишини тилаган эди. Айни пайтда бу ташриф мамлакатларимиз ва халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришига ишонч билдирилди. Ўта очиқ, самимий, кенг қамровли музокаралар ғоят сермазмун кечди ва кутилган натижаларни берди. Ислом Каримовнинг Остона сафари, ҳақиқатан ҳам, ўзаро муносабатларимиз солномасига ўчмас тарихий воқеа бўлиб киришига шубҳа йўқ.

***Анвар БОБОЕВ,***
***ЎзА махсус мухбири.***
***Тошкент-Остона-Тошкент.***

Вилоят ҳокимлигида

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФА

**Шу йил 17 ноябрь куни вилоят ҳокимлигида кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятида 2001 йилнинг 10 ойида кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар якуни таҳлил этилди.**

Кенгаш йиғилишида вилоят кенгаши аъзолари, вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг умумиқтисод масалалари бўйича ўринбосарлари, статистика идоралари раҳбарлари, тадбиркорларни рўйхатга олиш бўлимлари бошлиқлари, тадбиркорлар палатаси ва деҳқон, фермерлар уюшмалари раислари, тижорат банклари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси Уммат Мирзақулов бошқарди.

Маълумки, вилоятда кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, бу тармоқни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Бу масалалар билан шуғулланувчи вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаши ўзининг йиғилишларида белгиланган дастурларнинг ижросини чуқур таҳлил этиб, тавсиялар бермоқда. Мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан масъул идоралар ва раҳбарларга аниқ вазифалар юкламоқда. Шуни таъкидлаш керакки, масалага талабчанлик билан муносабатда бўлинаётганлиги, дастурнинг ижроси қатъий назорат этиб борилаётганлиги ўзининг самараларини бермоқда. Бунга жорий йилнинг ўн ойи мобайнида вилоятда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида эришилган натижалар мисол бўла олади. Хусусан, ўтган даврда вилоятда 2048та янги кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олинди. Уларнинг сони 15 минг 476тага етди. Шу ҳисобга 15063та янги иш ўринлари барпо этилди. Уларнинг 8435таси ёки 56 фоизи бевосита қишлоқ жойларида ташкил этилди.

Тадбиркорлик тизилмаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятларини ривожлантиришда ажратилаётган кредитлар катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам мувофиқлаштирувчи кенгаш бу масалани алоҳида назорат қилиб бормоқда. 2001 йилнинг январь-октябрь ойларида тадбиркорларга 10,2 миллиард сўм миқдоридаги кредитлар ажратилганлиги бир қатор кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорларнинг фаолиятларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари тадбиркорларни бозор иқтисодиёти асосларида билим савияларини ошириш, уларга хизмат кўрсатиш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Натижада жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра вилоятда ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 24,2 фоизи кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг

*(Давоми 2-бетда).*



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ БОҒБОНИ

Республикамиздаги энг йирик илмий даргохлардан бири Академик Р.Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилганлигига 100 йил тўлди

Ҳар гал бу табаррук даргоҳнинг номи тилга олинганида кўз ўнгимизда ширин-шакар мевалари билан машҳур бўлиб келаётган ўлкамизнинг жаннатмакон боғроғлари, узумзорлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Равшанки, ҳар қандай боғнинг яшнаши, меваларининг хилма-хиллиги, ҳосилининг мўл-кўл бўлиши, шарбатга тўлиши олимларимиз томонидан яратиб бериладиган навларга, бу навларнинг қай тариқа ўстирилишию ва ривожига боғлиқдир. Институт зиммасига ана шундай юксак ва шарафли вазифа юклатилган. Олимлар, илмий-тадқиқотчилар бу вазифани шараф билан бажариб келмоқдалар.

Институт шаклланиб, ҳозирги ҳавас қилса арзийдиган ҳолатга етиб келгунча узоқ тарихни босиб ўтди. Ўрта Осиё агрономия фани намояндаларидан бири бўлган Ричард Рихардович Шредер бу илмий муассаса заминига биринчи ғишт қўйган алломалардандир. Дастлаб институт Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станция базасида туғилди ва кейинчалик Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси, сўнгра узумчилик-боғдорчилик станцияси, тажриба станцияси номи билан аталди. Ричард Рихардович 42 йил давомида бу станцияга узлуксиз раҳбарлик қилди. 1949 йилдан бошлаб 2000 йилгача бўлган давр мобайнидаги бу даргоҳнинг фаолияти халқимизнинг бекиёс ҳурматини қозонган, ҳақли равишда республикамизнинг бош боғбони деб ном олган, қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик илмининг билимдони, академик, Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мирзаев билан боғлиқдир.

Маҳмуд Мирзаев ўз фаолияти давомида институтнинг кўп сонли олимлари, илмий

*(Давоми 2-бетда).*

## ЎЗИМИЗГА ХОС ЎРНИМИЗ БЎЛАДИ

**Шу кунларда «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти Пскент бўлимига кириб қолганлар қизғин иш устидан чиқадилар. Биров хат кутади, биров мактуб жўнатади, яна бошқалар пенсия муаммолари билан мурожаат қилишади, 2002 йил учун газета ва журналларга обуна бўлиш ниятида йўл-йўриқ суриштираётганлар ҳам кўп. Уларни биринчи навбатда обунанинг йиллик баҳоси, ундан ҳам кўра оммавий ахборот воситаларида нималар босилиши қизиқтиради.**

– Ҳар бир газетанинг ўз ўрни, ўз мавзу доираси, ўз услуби бўлади. Шунинг учун бу газета яхши, униси ёмон дейишга асосимиз йўқ, – дейди туман санитария-эпидемиология станцияси бўлими бошлиғи Пўлат Холбоев. – Лекин, мақтаняпти ёки мақтаяпти демang, кўп йиллардан бери «Тошкент ҳақиқати»ни узлуксиз ўқиб келаман. Айтишим мумкин, йил сайин газета ҳам бадиий жиҳатдан, ҳам мазмунан бақувват тортиб бораяпти.

– Шу ўзгаришларни қайси жиҳатларда кўрасиз? – сўрадик ундан.

– Аввало, аҳлоқий мавзулардаги бири-биридан ёқимли мақолалар кўпайиб қолди, – деди Пўлат Холбоев. – Айниқса, «Ибратнома» остидаги ҳаётий лавҳалар, «Доно сўз дунё кезар» рукни билан эълон қилинаётган ҳикматлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. «Буни ҳаёт дейдилар» мавзусидаги чиқишлар эса ёшу қарига баравар манзур бўляпти. Хусусан пскентлик ижодкорлар Лутфинисо Одилова, Собиржон Иномовларнинг ҳажман ихчам сермазмунли ҳикояларини алоҳида таъкидлагим келади.

– Ҳа, айтганча, ўзингиз обуна бўлдингизми? – қизиқиб сўрадик ундан.

– Биринчи бўлиб! – суҳбатга қўшилди почтахона бошлиғи Ойниса Абдуллаева. – Бир ўзлари эмас, санитария-эпидемиология станциясидан уч-тўрт киши обуна бўлишди.

Обуна – 2002

Шунчаки савол-жавоб деб ўйлаган эдик, атрофимизда ўн беш-йигирма чоғлик одам тўпланганини билмай қолибмиз. Уларнинг кўпчилиги «Тошкент ҳақиқати»ни келгуси йилда ўқиш ниятида эканлар.

– Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни юқори даражага кўтариш бугунги куннинг талаби, – деди «Тадбиркорбанк» туман бўлими бошқарувчиси Дилшод Маърипов. – Бу борада газета саҳифаларида бу йил анчагина пишиқ мақолалар эълон қилинди. Лекин, улар кам, бунинг устига кўп ҳолларда мавзуга чуқур кириб борилмаган.

Бизни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раҳбари Фарҳод Аҳмедовнинг сўзлари ўйлантириб қўйди. «Ёшларнинг ҳаётини чуқур таҳлил қилувчи материаллар кўп бўлсин, – деди у. — Чунки, бугунги ёшлар эртага Ватан таянчи бўлишади. Мени қийнаётган муаммо — ёшлар ҳаёти жуда кам ёритилади».

— Обуна борган сари қизғин паллага киряпти, – деди Ойниса Абдуллаева. — Инсонга ҳам маънавий, ҳам иқтисодий озуқа зарур бўлиб келган. Ўйлаймизки, «Тошкент ҳақиқати»нинг обуначилари орасида пскентлик муштарийларнинг ўзига хос ўрни бўлади, албатта.

***Темур УБАЙДУЛЛО.***

AZIZ D`OSTLAR!
Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида **2002 йил учун** бошқа нашрлар қатори **«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**га ҳам **обуна** расмийлаштирилиши давом этмоқда.
**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ**
**Шу кунларда унга тўхтовсиз ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.**

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




**36-модда: Ҳар бир шахс — мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.**

**Мустақил давлатнинг асосий вазифоларидан бири ўз фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уни қўриқлашдир. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Конституциясидо ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.**

Инсон ва фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва унга бўлган ворислик фуқароларнинг тўла ҳуқуқлилиги, уларнинг шахсий манфаатлари бирлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ичида энг асосийси ўз мулки ва унга ворис бўлиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, фуқароларнинг ўз меҳнатлари билан топган даромадлари ва жамғарма, мол-мулклари, турадиган уйлари ва ёрдамчи хўжалигига, уй-рўзғор ашёлари ва бисот буюмларига, шахсий истеъмол буюмлари ва қулайликлар туғдирадиган нарсаларига шахсий эгалик ҳуқуқини, шунингдек, шахсий мулкка ворислик ҳуқуқини қонун қўриқлайди.

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкини ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилишидан иборатдир.

Фуқаролар ижтимоий келиб чиқиши, дини, миллати ва эътиқодидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар ҳамда уларнинг ҳуқуқлари қонун билан қўриқланади.

Ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг аниқ механизмини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Ер, Меҳнат, Уй-жой кодекслари, «Мулкчилик тўғрисида», «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги ширкат хўжалиги(кооператив) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда мулкнинг икки тури мавжуд:

1. Хусусий мулк.
2. Оммавий мулк.

Қонун билан маҳ этилмаган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк жисмоний шахснинг ҳуқуқий мулки бўлиши мумкин. Шу билан бирга мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг мутлақ мулки ҳисобланадиган ва хусусий мулк бўла олмайдиган ашёлар санаб ўтилган. Булар ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий бойликлар, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий ёдгорликлар ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа мол-мулклардир. Шунингдек, ҳарбий техника, тақиқланган қуроллар, радиоактив материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва бошқа қонун билан тўғридан-тўғри таъқиқланган бошқа ашёлар хусусий мулк объекти бўла олмайди.

Ўзбекистонда давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишни кафолатлайди, ҳар бир шахсга ўзининг мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини таъминлайди. Шу билан бирга ҳар бир мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни умумий ва хўжалик судлари амалга оширади.

Ҳар бир шахс ўз мулкига эга бўлиши билан бирга банкка қўйилган омонатларни сир тутилиши кафолатланган. 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолиятлари тўғрисида»ги қонуни банкка қўйилган омонатларнинг сир сақланишини таъминлашга қаратилган конституциявий меъёрларни амалга ошириш механизмининг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади.

Ушбу қонунга кўра, банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисоб варақалари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг механизмлари ва вакилларининг банк операциялари, ҳисоб варақалари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт.

Ўзбекистонда ҳар бир инсон мерос ҳуқуқига эга. Мерос ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланади. Ворислик ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган ва Фуқаролик кодексида мустаҳкамланган бўлиб, мерос таркибига мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар киради.

Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Васиятнома мерос қолдирувчи томонидан шахсан тузилиши ва ёзма шаклда бўлиши шарт. Давлат васиятноманинг сир сақланишини кафолатлайди. Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига даҳлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида давлат барча мулкдорларга мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун кенг шароит яратиб беради.

***Дилноза ҚЎЗИЕВА,***
***ТДЮИ Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси ўқитувчиси.***

Жонга жон шифокорлар

# СОҒЛИГИНГ ҚАДРИГА ЕТ

**Муҳаббат опанинг боши ўқтин-ўқтин оғриб турарди-ю, бироқ ўтиб кетади деб, айтарли эътибор бермас, ўзича дори-дармондан фойдаланган бўлар, уй юмушлари, невараларнинг тарбияси билан андармон бўлиб, фурсат ўтганини билмай қоларди. Лекин, бу галги хуруждан гангиб қолди, хушидан кетди. Қандай қилиб касалхонага бориб қолганини билмай қолди.**

Аввалига Муҳаббат опага жонлантириш хонасида муолажа қилдилар, ўзига келиб олгач, даволаш хонасига ўтказдилар. Шифокорлар, ҳамширалар унинг атрофида парвона бўлдилар. Кўп ўтмай у оёққа турди.

Пойтахтимиздаги тез тиббий ёрдам касалхонасида шифокорларнинг меҳрибонлиги, жон куйдиришлари туфайли дардига даво олиб, ўз оиласига ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб қайтаётганлар оз дейсизми?

– Оғир дардга чалиниб, умид билан келган беморлар дардига малҳам бўлолсак, уларнинг юзида табассум кўрсак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз, – дейди бош врач, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Республикада хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш аълочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Тоҳир Муродилов. Ҳар бир бўлимда хизмат қилаётган шифокору, ҳамширалар бундай бахтга муяссар бўлиш учун, ўзларининг бор тажрибаларини, билимларини, маҳоратларини ишга солиб келмоқдалар.

Бўлимларни айланиб, беморлар билан суҳбатлашиб, бунга ишонч ҳосил қилдик.

– Касбимиз ҳам шарафли, ҳам мураккаб ва масъулиятлидир, – дейди асаб касалликлари бўлим мудири Халия Нуржонова. – Бизга асосан оғир ҳолатдаги дейлик, тутқаноқ касалига чалинган, эс-хушини йўқотган, бош мия қон айланиши бузилган, асаб толалари шамоллаган беморлар келишади. Иложи борича, уларнинг дардига тезроқ малҳам топиш учун ҳаракат қиламиз. Бу жараёнда тиббиёт илмининг асосчиси Ибн Синонинг касаллик бемор аъзоларига кириб қолган шайтондир, уни ҳайдаб чиқаришда табибнинг ҳам, у билан биргаликда ҳаракат қиладиган беморнинг ҳам ҳиссаси бир хилда бўлади, деб айтган гапларини ёдда тутамиз ва беморларга ҳам бунинг маъносини тушунтирамиз. Аввало, хасталик сабабларини ипидан игнасигача англаб етиш учун ҳаракат қиламиз, ана шундагина муолажани тўғри йўлга қўйиш, дори-дармонлардан кутилган наф олишга эришиш мумкин бўлади. Шу тариқа беморнинг тезроқ соғайиши учун имкон яратилади.

Биз беморлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётган олий тоифадаги шифокорлар Диля Акчурина, Муфаззал Мирхўжаева, Шаҳноз Аҳмедова, шунингдек, олий тоифадаги ҳамшира Раҳима Тўхлибоева, ҳамширалар Маҳмуда Эшонова, Раъно Ботирова, Севара Солихўжаева, Клара Нажмутдинова, Маҳбуба Солиҳова сингари шифокорларнинг номларини алоҳида тилга олишади.

– Мен ҳам миямга қон қуйилиб, оғир аҳволда келган эдим, – дейди Муҳаббат опа Абдураззоқова. – Шифокорларга қанчалик миннатдорчилик билдириб, раҳматлар айтсам озлик қилади. Мана бугун қувона-қувона оилам бағрига қайтяпман.

Бундай ҳаяжонли сўзлар шифокор меҳнатига берилган энг улуғ баҳодир.

***Файзулла ИСАЕВ.***

*СУРАТДА: даволовчи шифокор Диля Акчурина ва катта ҳамшира Раҳима Тўхлибоевалар бемор аҳволини назорат қилишяпти.*

***Муҳсимхўжа МАҲМУДХЎЖАЕВ олган сурат.***



# ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАРЗИДА

**Вилоят Адлия бошқармаси ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўлими Қуйичирчиқ ва Янгийўл туманларида қатор давра суҳбатлари ўтказди.**



Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва туманлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, умумтаълим муассасалари жамоалари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қатнашдилар. Иштирокчилар «Ўзбекистон Конституцияси — жамиятимизнинг ҳуқуқий пойдевори», «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар», «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши», «Халқаро терроризм ва диний экстремизм» мавзуларида маърузалар тинглаб, ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар суҳбатидан баҳраманд бўлдилар.

Очиқ мулоқот тарзидаги бундай тадбирларни вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

***Ўз мухбиримиз.***

## ФАХРЛИ НОМ ЭГАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилаётган «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танловида Олмалиқ шаҳридаги 11-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Ася Фастухдинова ғолиб чиқди. Унинг рус тили фани бўйича тайёрлаган тест синовлари танловда совринли учинчи ўрин билан тақдирланди.

***Акбар АЛИЕВ.***

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Юқоричирчиқ туманидаги "Арғанчи" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Ҳашар йўли билан бунёд этилган ушбу муассаса Дархон ва Усмонобод қишлоқлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади.

Янги шифо масканида она ва бола, физиотерапия, гинекология бўлимлари мавжуд. Кундузги стационарда 15 бемор ётиб даволаниши мумкин. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган врачлик пункти беш мингдан зиёд фуқаро соғлигини ҳимоя қилади.

***Л. СУВОНОВ,***
***ЎзА мухбири.***

Қарор ва ижро

# БАРКАМОЛ АВЛОД – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

**Халқ таълими соҳасидаги катта-катта ислоҳотларни ҳар биримиз кўриб, ҳис қилиб яшаяпмиз. Истиқлол шарофати билон қабул қилинган «Халқ таълими тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» маорифчилар, маърифатчиларимиз саъй-ҳаракатлари шаффоф булоқларининг янги-янги кўзларини очяпти.**

**Хўш, бу ҳужжатларнинг талаблари қандай бажарилмоқда? Халқ таълими ислоҳотлари туман шаҳар ва қишлоқларда қандай кечаётир? Мураббийларнинг катта бир отряди халқ таълими соҳасидаги бугунги суръатли ўзгаришларга ҳамқадамми?**

**«Тошкент ҳақиқати» мухбирининг бу саволларига Бўстонлиқ туман халқ таълими бўлимининг мудири Комилжон Нишонов жавоб беради.**

-Туманимизда 51та мактаб, 20та мактабгача ва 4та мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Бу тарбия даргоҳларида 31 мингга яқин навқирон авлод камол топаётир.

Мустақиллигимиз унга янги жилолар бағишлади. Мактаб иши, ёшларга таълим бериб, замонавий рисолада тарбиялаш фақат давлат ишигина эмас, балки бутун жамиятнинг мақсадига айланганлигини назарда тутяпман. Зеро, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг буюк тонглари камоли ҳусусида бугун қайғурилаётган авлод меҳнати билан минг бир рангда товланади. Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар эса бу жараённи жўшқинлаштириб юборди. Айтмоқчиманки, бугун мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни бутун жамият ўз қўлига олди. Янги-янги қурилишлар қилиниб, эски бинолар вақтида таъмирланмоқда. Узлуксиз таълим эҳтиёжлари даражасида дарсликлар, компьютерлар, бошқа ўқув ашёлари билан тобора тўла таъминланмоқда.

Демократик жамиятнинг бўлажак фаол аъзолари - ёшларни тарбиялашга ёндошувлар ўзгармоқда. Шунчаки ижрочиларни тарбиялаш билан иш битмайди. Биз эркин фикрлайдиган, кенг қамровли мулоҳаза юритиб, истиқболга дадил интиладиган, ташаббускор, ғайрат-шижоатли ўринбосарларимизни тарбияламоғимиз даркор.

Бу вазифанинг муваффақияти устозлар салоҳиятига боғлиқлигини асло унутмаслигимиз керак. Бинобарин, ўқитувчилар малакаси, мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан қўйиладиган талабларга мутаносиблиги бугун алоҳида аҳамият касб этаётир. Таълим-тарбиянинг самарали йўлларини топиш устида тинмай изланаётган Гулнора Йўлдошева, Галина Кравченко, Абдулазиз Муталибов, Пердебек Конисбаев, Соҳиба Мирсолиқова сингари устозларнинг тажрибалари, дарсни ташкил этиш услублари, ўқувчиларга билим бериш малакалари ниҳоятда ибратли. Улар ҳар бир дарс машғулотидан Ватан туйғусини аждодларимизнинг бетакрор мероси ва миллий қадриятларимиз моҳиятини ўз ўқувчилари қалбига сингдириш учун фойдаланмоқдалар.

Мактабларимизда ёшларнинг билимга интилишларини кучайтириш, дунёқарашларини чиниқтириш йўлида изланиб яшаётган бундай ташаббускор педагогларимиз оз эмас. Чунончи фан ўқитувчиларидан 2-мактабда А.Дмитриева машғулотларни гуруҳларга бўлиб ташкил этиш, 5-мактабда Раъно Ашурова муаммоли дарслар, 16-мактабда Расул Жўраев интеграллаштирилган дарслар, 44-мактабда Комил Бобоев ўқув материалини блокларга бўлиб ўқитиш усулларидан самарали фойдаланишмоқда. Дарсларни семинар, синов, конференция тарзида ўтиш тажрибалари кенг қўлланилмоқда. 22- ва 28-мактабларда ўқувчиларнинг билимини аниқлашда рейтинг усулидан фойдаланиш тажриба-синов майдончаси ташкил этилган. Туман мактабларида 50дан ортиқ ўқитувчи дарсларни таълимнинг шу усули асосида ташкил этмоқда.

Президент Ислом Каримов мамлакатимизда халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилишда кадрлар сифати, малакасини ошириш ҳусусида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу вазифа изчил амалга оширилиб, ҳар йили туманимиз мактабларида 300га яқин мутахассис қайта тайёргарликдан ўтказиляпти. Улар республика ва вилоятимиз олийгоҳларида таълимнинг замонавий технологияларини эгаллаб қайтишмоқда.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг сўнгги сессияларидан бирида: «Келажакда Ўзбекистон билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан жаҳонни қойил қолдириши лозим»,– деб таъкидлаган эдилар. Бугун шуни айта оламанки, ўтган ўқув йилида битирувчиларимизнинг 156 нафари мактабларни аъло даражали гувоҳнома ва шаҳодатномалар билан тугатишди. Уларнинг 213 нафари ҳозирги кунда турли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. 1424 нафар ўғил-қизларимиз эса лицей ва коллежларда ўқишни давом эттиришмоқда.

Туманимиз маорифчилари ўқувчи-ёшларнинг маънавий-маърифий тафаккурларини ривожлантиришга алоҳида этибор бериб келмоқдалар. Шу мақсадда таълим муассасаларида «Сиз қонунни биласизми?», «Билмайин босдим тиканни», «Мамлакатимиз тарихини биласизми?» мавзуида кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Шу кунларда ўқувчилар ўртасида «Президент асарлари билимдони», «Орзуларим парвозда менинг» кўрик-танловлари давом этяпти.

Биз истеъдодли ёшларни аниқлаб, улар билан алоҳида шуғулланмоқдамиз. Фанлар бўйича чуқурлаштирилган синфлар ташкил этаяпмиз. Инглиз тилини ўқитишни боғчалардан бошламоқдамиз. «Ўйла, изла, топ», «Зукколар баҳси» танловлари ҳам болаларда чуқур билим олишга қизиқишни кучайтирмоқда. Билимдонлар туман, вилоят, хатто республика олимпиадаларида ҳар томонлама пухта билим олаётганликларини намойиш этишаяпти.

– Ёш авлод тарбияси – сер-қирра жараён, – деди пировардида К. Нишонов. – Ҳали мактабларимизда ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Маорифчиларимиз баркамол авлодни вояга етказишда оила, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот идоралари, кенг жамоатчиликнинг бевосита иштирокига таянадилар.


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2001 йил 21 декабрь ва 2002 йил 3, 10 январь кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион ва биржа савдоларига таклиф этади.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Паркент тумани, «Қорақалпоқ» ширкат хўжалигидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 13 та ер майдони.
**Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 26100 сўм.**

**2.** Қуйичирчиқ тумани ҳокимиятига тегишли ВАЗ-2106 русумли, давлат рақами 02-34 ТШВ бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
**Бошланғич баҳоси — 146700 сўм.**

**3.** Юқоричирчиқ тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв.м. бўлган 46та ер майдони.
**Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 34800 сўм.**

**4.** Юқоричирчиқ тумани «Ийк ота» ширкат хўжалигидаги ҳар бирининг сатҳи 600. кв.м. бўлган 2та ер майдони.
**Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 34800 сўм.**

**5.** Юқоричирчиқ тумани «Ийк ота» ширкат хўжалигидаги ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м. бўлган 2та ер майдони.
**Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 23200 сўм.**

**6.** Юқоричирчиқ тумани «Ийк ота» ширкат хўжалигидаги ҳар бирининг сатҳи 600 кв. м. бўлган 6та ер майдони.
**Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 143028 сўм.**

*Шунингдек, аввалги савдоларга қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба, жума кунлари ўтказилади.*

**Бизнинг манзилимиз:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг чап қаноти.
**Тел.** 133-28-52, 133-77-18, **факс:** 132-00-37.

